

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг
2025 йил 21 июлдаги БР-26-сон буйруғидан**

К Ў Ч И Р М А

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги марказий
аппарати, ҳудудий бўлинмалари ва бўйсунувдаги ташкилотларида
алоқа каналлари орқали келиб тушган коррупциявий хатти-
ҳаракатлар тўғрисида хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш
Регламентини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикасининг 419-сонли Қонуни ва 2024 йил 5 июндаги “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикасининг 931-сонли Қонуни, коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини таъминлаш, ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2024 йил 25 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятининг очиқлик даражасини янада ошириш, очиқликка доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш тўғрисида”ги БР-20–сон буйруғига мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш ва фаолиятдаги очиқликни таъминлаш борасидаги идоравий сиёсатининг устувор вазифаларини амалга ошириш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари ва бўйсунувдаги ташкилотларида алоқа каналлари орқали келиб тушган коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти (*кейинги ўринларда – Регламент*) 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари ва тизимидаги ташкилотлари фаолиятидаги коррупциявий ҳолатлар ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоҳида алоқа каналлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Комплаенс назорати бўйича бош мутахассис Дж.Сагдуллаев мазкур Регламент талабларини Ташқи ишлар вазирлиги ва бўйсунувдаги ташкилотлари иш жараёнига татбиқ этилиши ва унинг талаблари

бажарилишини назорат қилиш учун масъул шахс сифатида белгилансин.

3. Компаенс назорати бўйича бош мутахассис Дж.Сагдуллаев қуйидаги ташкилий ишларга алоҳида эътибор қаратсин:

тегишли бошқармалар билан биргаликда, мазкур Регламентни расмий вэб-сайт ва ички электрон ҳужжатлар алмашинуви тизими базасига очик ҳолда жойлаштириш;

аҳоли, жамоатчилик ва тизимда меҳнат қилаётган ходимлар мурожаатлари учун қўшимча имкониятларни яратиш мақсадида коррупция ҳолатлари тўғрисида хабарларни тўғридан-тўғри масъул бўлинмаларга турли усулларда (телефон, электрон почта, расмий вэб-сайт, ижтимоий тармоқлардаги алоқа каналлари орқали) юбориш бўйича тизимдаги контакт маълумотларни Вазирлик расмий сайти ва ижтимоий тармоқлардаги каналларига жойлаштириш юзасидан аниқ чоралар кўрилиши;

тегишли таркибий бўлинмалар билан биргаликда алоҳида каналлар орқали келиб тушадиган хабарларни ва ахборотларни қонунчилик доирасида атрофлича ўрганилишини ва кўриб чиқирилиши;

Вазирлик бўйсунувдаги ташкилотлари ва масъул ходимларига янги талабларнинг мазмун-моҳияти, ўзаро ҳамкорлиги ва иш жараёнини мазкур буйруқ талабларига мувофиқ ташкил этиш бўйича тушунтиришлар бериш;

Вазирликнинг масъул таркибий бўлинмалари ва ташкилотларини мазкур Регламент қоидалари билан танишиб чиқирилини таъминлаш.

4. Вазирликнинг масъул таркибий бўлинмалари мазкур Регламент талабларини бажариш ва Компаенс назорати бўйича бош мутахассис фаолиятига яқиндан ёрдам кўрсатиб борсин.

5. Ташқи ишлар вазирлиги тизимига кирувчи ва Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритувчи бўйсунувдаги ташкилотлар қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратсин:

масъул бўлинмалар томонидан мазкур Регламент мазмун-моҳиятини атрофлича ўрганиб чиқиш, унинг талаблари бажарилишини таъминлаш;

алоқа каналлари созлиги ва ишлашини доимий назоратга олиш, ўзгартирилган маълумотлар ҳақида Вазирликка вақтида хабар бериш;

жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушадиган мурожаатларни ўрганиш ва уларга миллий қонунчиликка мувофиқ равишда жавоб қайтариш;

масъул бўлинмалар ва ходимлар ўртасидаги вазифалар тақсимотини, аҳоли ва жамоатчиликдан, шунингдек ходимлардан коррупциявий ҳолатлар бўйича келиб тушадиган маълумотлар билан ишлаш бўйича масъул таркибий бўлинма (ёки шахс)ни белгилаб,

уларнинг шахсий масъулиятини ўрнатилган тартибда ташкилот қарори билан белгилаш;

Вазирликнинг Комплаенс назорати хизмати билан доимий алоқада бўлиш ва ўзаро маълумот алмашиш.

6. Мазкур буйруқ талабларини бажариш ва уни назорат қилиш Комплаенс назорати бўйича бош мутахассис Дж.Сагдуллаев зиммасига юклатилсин.

В а з и р

Б.Саидов

**Аслига тўғри
21.07.2025й.**

Р.Султонов

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги марказий аппарати,
ҳудудий бўлинмалари ва бўйсунувдаги ташкилотларида алоқа
каналлари орқали келиб тушган коррупциявий хатти-ҳаракатлар
тўғрисида хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш
РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги марказий аппарати, ҳудудий ва бўйсунувдаги ташкилотларида (кейинги ўринларда –Дипломатик хизмат органлари)да коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган ва тизим фаолиятига алоқадор барча таркибий бўлинмалар ва ташкилотлар, уларнинг ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

2. Мазкур Регламент Дипломатик хизмат органларидаги алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, хабарларни қабул қилиш, уларнинг рўйхатдан ўтказилиши ва масъул таркибий бўлинмалар томонидан кўриб чиқилиши, шунингдек келиб тушаётган хабарлар асосида статистик маълумот ва даврий ҳисоботларни тайёрлаш тартибини белгилайди.

3. Ушбу Регламент мазмун-моҳияти ва мақсадларини тушунтиришда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

бўйсунувдаги ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимида кирган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган ташкилот ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхонаси ва консуллик муассасаси;

ишонч телефони – Дипломатик хизмат органларига белгиланган қоидага мувофиқ умумий ёки алоҳида ажратилган телефон линияси орқали келиб тушадиган мурожаатларни йўллаш, қабул қилиш ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминловчи алоқа воситаси;

мурожаатчи – алоқа каналлари орқали Дипломатик хизмат органларидаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун мурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс, шу жумладан Дипломатик хизмат органларида меҳнат фаолиятини олиб боровчи ходим;

манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, Дипломатик хизмат органларининг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

коррупция – шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкӣ ҳуқуқлар, мулкӣ ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмийчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган хатти-ҳаракат;

коррупцияга қарши курашиш тизими – амалдаги қонунчилик ва идоравий ҳужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

коррупциявий хавф-хатар – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Дипломатик хизмат органлари номидан ва уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий ҳаракатларни содир этиш хавфи;

тааллуқли хабар – Дипломатик хизмат органларидаги коррупциявий ҳаракатлар ва манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар;

ходим – Дипломатик хизмат органларида меҳнат шартномаси асосида меҳнат фаолиятини олиб боровчи жисмоний шахс;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида ўзи ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий бойликлар, бошқа мол-мулк ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф

олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорий ёки нотижорий манфаатлари).

4. Дипломатик хизмат органлари коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ахборот беришга мўлжалланган алоқа каналларининг ишини қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этади:

одоб-ахлоқ қондаси – алоқа каналлари орқали Дипломатик хизмат органларига уларнинг ходимларига оид келиб тушган хабарларни асоссиз ва тегишли ваколатга эга бўлмаган шахслар орасида тарқатиш, ўтказилган хизмат текширувлари мазмуни ва натижалари тўғрисида маълумотлар бериш таъқиқланади;

қонунийлик – Дипломатик хизмат органлари алоқа каналларига келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади;

мурожаатчининг таъқиб қилинмаслиги – алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ўз хоҳишига кўра хабар берган жисмоний ва юридик шахсга нисбатан Дипломатик хизмат органлари масъул вакиллари томонидан бирон-бир босим ўтказилмайди;

таъсир чораларини қўллаш – коррупция факти тасдиқланган тақдирда айбдор шахсларн Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга аосан жавобгарликка тортилади.

2-боб. Коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари

5. Тааллуқли хабар қуйидаги Дипломатик хизмат органларининг турли алоқа каналлари, хусусан расмий веб-сайт, электрон почта, ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари орқали юборилиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар Дипломатик органларида ўрнатилган фуқаро ва ташкилотларнинг ёзма мурожаатлари қабул қилиш ва кўриб чиқиш канали орқали ҳам тақдим этиши мумкин.

6. Дипломатик хизмат органлари алоқа каналлари тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайт, ижтимоий тармоқдаги саҳифа ва каналларига жойлаштиради, шунингдек ходимлар билан тузиладиган меҳнат шартномаларининг тегишли бандида акс эттириши, вақти-вақти билан юбориладиган электрон хатлар, тарқатма ахборот ва ўқув материаллари орқали етказиб қўяди.

3-боб. Алоқа каналлари орқали келиб тушаётган тааллуқли хабарларни қабул қилиш

7. Дипломатик хизмат органларининг Комплаенс назорати бўлинмаси белгиланган алоқа каналларидан келиб тушган тааллуқли хабарларни кўриб чиқишга масъул таркибий бўлинма ҳисобланади.

8. Дипломатик хизмат органларининг қуйидаги алоқа каналларидан келиб тушган тааллуқли хабарлар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасидаги қонунчилик ва Дипломатик хизмат органларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом талабларида назарда тутилган тартибда рўйхатга олинади ва ижрога йўналтирилади.

9. Дипломатик хизмат органларининг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал, саҳифалари ва телеграм боти орқали келиб тушадиган хабарларни Жамоатчилик билан алоқалар ва халқаро ахборот бўлими қабул қилиш учун масъул этиб тайинланади ва ва шу куннинг ўзида Комплаенс назорати бўлинмасига етказиб беради.

10. Дипломатик хизмат органларининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти, “Колл-маркази” ва Ишонч телефони орқали келиб тушадиган тааллуқли хабарларни Консуллик-ҳуқуқий департаменти қабул қилиш учун масъул этиб тайинланади ва шу куннинг ўзида Комплаенс назорати бўлинмасига етказиб беради.

11. Дипломатик хизмат органларининг Умумий бўлими орқали келиб тушадиган тааллуқли хабарларни Умумий бўлим қабул қилиш учун масъул этиб тайинланади ва шу куннинг ўзида Комплаенс назорати бўлинмасига етказиб беради.

12. Тааллуқли хабар келиб тушганда Комплаенс назорати бўлинмаси масъул ходими мурожаатчи билан электрон ёзишма йўли билан ёки телефон орқали боғланиб зарур ахборотни аниқлаштиради, хабарни Реестрда рўйхатга олади ва маълумотни Дипломатик хизмат органлари тегишли раҳбарига киритади.

Комплаенс назорати бўлинмаси масъул ходими келиб тушадиган хабарларни душанбадан жумагача соат 09:00 дан 18:00 га қадар таҳлил қилади. Агар хабар иш вақтидан ташқари пайтда келиб тушса, бу хабар навбатдаги иш кунида аниқлаштириш учун сақланади.

13. Дипломатик хизмат органлари раҳбари тааллуқли хабарни тезкорлик билан таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш учун Дипломатик хизмат органларининг Комплаенс назорати бўлинмасига топшириқ туширади.

14. Дипломатик хизмат органларининг Комплаенс назорати бўлинмаси тааллуқли хабарни олгандан кейин бир соат ичида уни иловага мувофиқ шаклда Дипломатик хизмат органларида коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш реестрида (кейинги ўринларда – Реестр) рўйхатга олиши ва ушбу Регламентнинг 4-бобига мувофиқ кўриб чиқиши лозим.

15. Дипломатик хизмат органларига аноним тарзда келиб тушган мурожаатлар Ўзбекистон Республикаси ”Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида кўриб чиқилади.

Аноним тарздаги мурожаатларни кўриб чиқиш талаблари Дипломатик хизмат органларининг расмий вэб-сайтида алоҳида тушунтириб ўтилиши зарур.

16. Дипломатик хизмат органлари ходимлари томонидан олинган хабарларни кўриб чиқиш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этишнинг сабаб ва шароитлари ҳам таҳлил қилинади ва келгусида уларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

17. Олинган хабарлар бўйича барча тааллуқли материаллар, ҳужжатлар ва маълумотлар (шу жумладан, қабул қилинган қарорлар ва мурожаатчиларга юборилган жавоблар) Дипломатик хизмат органлари иш ҳужжатларининг номенклатурасига мувофиқ, Мурожаатлар билан ишлаш йўналишида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддатга сақланиши керак.

18. Тааллуқли хабар Дипломатик хизмат органларининг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларга келиб тушган тақдирда, уни қабул қилган масъул ходим зудлик билан уни масъул таркибий бўлинма (кадрлар билан ишлаш ёки комплаенс назорати хизмати) ва ташкилот раҳбарини хабардор қилади. Мурожаатларни ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш ва уларга жавоб бериш ташкилот зиммасига юкланади.

Ҳар ўн кунда мазкур хабарлар бўйсунувдаги ташкилотларга келиб тушгани ва уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича масъул таркибий бўлинмалар (кадрлар билан ишлаш ёки комплаенс назорати хизмати) Ташқи ишлар вазирлигининг Комплаенс назорати бўлинмасини хабардор қилиб туради.

19. Дипломатик хизмат органларининг бўйсунувдаги ташкилотлари мазкур Низом билан тасдиқланган Реестрини юритиб боради. Бир йилда бир маротаба йил якунлари бўйича мазкур Реестрга киритилган мурожаатлар юзасидан Ташқи ишлар вазирлиги Комплаенс назорати бўлинмасига ҳисобот берилади.

4-боб. Коррупциявий ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни кўриб чиқиш

20. Комплаенс назорати бўлинмасига келиб тушган барча тааллуқли хабарлар ушбу тузилма ёки Дипломатик хизмат органлари раҳбари топшириғига асосан бошқа бўлинмалар томонидан кўриб чиқилади.

21. Коррупциявий ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш жараёнига, ҳаракатлари устидан тааллуқли хабар келиб тушган ёки кўриб чиқиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимларни жалб қилиш ман этилади. Ушбу чораларни вақтида кўриш Комплаенс назорати ва Ички хавфсизлик хизматлари томонидан амалга оширилади.

22. Комплаенс назорати бўлинмаси тааллуқли хабар бўлинмага келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида дастлабки текшириш асосида унинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка ва (ёки) манфаатлар тўқнашувига тегишлилигини текширади.

23. Агар хабар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка ва (ёки) манфаатлар тўқнашувига тааллуқли эмас деб топилса, бу хабар бир иш куни ичида Комплаенс назорати бўлинмасининг Дипломатик хизмат органларининг тегишли тузилмасига билдирги ёки хат асосида ўтказиб юборилади.

24. Агар хабарда коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот ҳамда хизмат текширувини ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлса, Комплаенс назорати бўлинмасининг идоравий ҳужжатларда белгиланган тартибда хизмат текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

25. Тааллуқли хабарларни мазмунан кўриб чиқиш Дипломатик хизмат органларига келиб тушган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни муддатларида амалга оширилади.

26. Тааллуқли хабарларни кўриб чиқиш якунлари асосида қилинган хулоса ва, зарур ҳолларда, юзага келган вазият юзасидан қўлланилган чораларни ўз ичига олган жавоб хати тайёрланади ва белгиланган тартибда мурожаатчига юборилади.

5-боб. Ҳисобдорлик

27. Реестрдан Комплаенс назорати бўлинмаси, ички хавфсизлик бўлинмаси ходимлари, хабарларни кўриб чиқишда иштирок этган тегишли бошқа давлат органлари ва Дипломатик хизмат органлариларининг ходимлари (фақат шундай хабарларга доир), Дипломатик хизмат органлари биринчи

рахбари ёки унинг масъул ўринбосарлари, бўйсунувдаги ташкилот раҳбарлари ва масъул таркибий бўлинмалари (кадрлар билан ишлаш ёки комплаенс назорати томонидан, агар ташкилот Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган бўлса) ўз иш фаолияти йўналиши бўйича фойдаланиши мумкин.

28. Реестр маълумотлари асосида Комплаенс назорати бўлинмаси ҳар йил якуни бўйича Дипломатик хизмат органларининг биринчи раҳбарига қабул қилинган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларга тааллуқли бўлган маълумотларни тақдим этиб боради. Мазкур маълумотларни тайёрлаш жараёнида қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратилиши лозим:

келиб тушган тааллуқли хабарлар ва кўриб чиқилган тааллуқли хабарлар сони;

коррупциявий ҳаракатлар, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тасдиқланган тааллуқли хабарлар сони;

кўриб чиқиш муддатлари бузилган тааллуқли хабарлар сони;

тааллуқли хабарларни кўриб чиқишнинг ўртача муддати;

мурожаатчилар томонидан энг кўп фойдаланиладиган алоқа каналлари ва бошқа статистик маълумотлар.

6-боб. Якуний қоида

29. Мазкур Регламент талабларини бажариш барча масъул ва ҳамижрочи бўлган таркибий бўлинмалар томонидан қатъий равишда назоратга олиниши зарур ва унда кўрсатилган вазифаларга тўлиқ риоя этилиши зарур.

Келиб тушган маълумот ва ахборотларни атайлаб яшириш, йўқ қилиш, уларнинг кўриб чиқилишига тўсқинлик қилиш билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракат айбдор мансабдор шахсларга нисбатан миллий қонунчилик доирасида белгиланган жазо чоралари кўрилади.

30. Мазкур Регламент мурожаатлар ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда, шунингдек Дипломатик хизмат органларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгариши натижасида юзага келган хизмат вазифалари ва янгиланган иш тақсимооти сабабали қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги марказий
аппарати, ҳудудий бўлинмалари ва бўйсунувдаги ташкилотларида
алоқа каналлари орқали келиб тушган коррупциявий хатти-
ҳаракатлар тўғрисида хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш
Регламентига илова

**Дипломатик хизмат органларида коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни
қабул қилиш ва ҳисобини юритиш
РЕЕСТРИ**

Т/ р	Хабар келиб тушган сана	Хабарнинг тоифаси (коррупциявий хатти-ҳаракат, манфаатлар тўқнашуви)	Мурожаатлар билан ишлаш tizимида рўйхатга олинган сана ва рақами	Хабар юборилган алоқа канали	Мурожаатчи маълумотлари (жисмоний ёки юрдик шахс, қайта алоқа маълумотлари)	Хабарнинг қисқача мазмуни	Хабар тааллуқли бўлган тузилма	Кўриб чиқиш натижалари *	Мурожаатчига жавоб юборилган сана ва хат рақами	Хабарни кўриб чиққан тузилма раҳбари
1.										
2.										
...										

* қуйидагилардан бири қўйилади: **А)** қаноатлантирилди; **Б)** тушунтириш берилди; **ёки В)** кўрмасдан қолдирилди